

Туғилган кунни нишонласа бўладими?

Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф



18:03 / 22.09.2020 10521

Савол:

Ассалому алайкум! Мен туғилган кунлар хақида сайтингизда жавобларни ўқиб чиқдим. У ерда «Туғилган кунни динга алоқаси йўқ, туғилган кун билан табрикласангиз харом иш қилган бўлмайсиз ва туғилган кунни ғайридинларга ўхшатиб нишонлаш нотўғри» деб ёзилганлигини ўқидим. Аллоҳ бизни яратганига беҳисоб шукрлар бўлсин. Бизнинг туғилишимиз - Аллоҳнинг бизга бўлган Меҳрибонлиги ва Раҳм-шафқатлилигидир, у кунни нишонласак қандай хато қилган бўламиз? (Албатта одоб доирасида ва ғайридинларга ўхшамасдан нишонлашни назарда тутган эдим.) Туғилган кунни нишонлашнинг Исломдаги ҳукми қандай?

Жавоб:

- Ва алайкум ассалом! Ақлни ишлатиб қаралса инсон бир йил умрининг ўтиши байрам қилишга эмас балки аза тутишга лойиқ. Парда ортида бу бир йилнинг ичида нима борлигини кўрганингизда эди, ўтган кунларингизга аза очган бўлардингиз. Аввалда ўтган ота-оналаримиз шундай қилишар эди. Одамлар ўлганда йиғлашни, аза тутишни ўйлашади.

Аслида 60га кирадиган инсон 40-50га кирса ўша инсоннинг 40-50ги ўлган ҳисобланади. Энг ажабланарлиси шуки одамлар туғилган кунини нега нишонлаётганини ҳақиқатини билишмайди. Кимлардир нишонлашяпти бизлар ҳам нишонлашимиз керак деб тақлид қилишади.

Валлоҳу аълам!

«Зикр аҳлидан сўранг» ҳайъати